

БЕБАҲО МЕРОС

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг қарорига биноан шу йил кузда калом илмининг асосчиларидан бири, ҳадис ва ислом қонунчилиги равнақида улкан ҳисса қўшган йирик аллома, буюк ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади. Мусулмон оламида машҳур бўлган аллома илмий-диний меросининг халқимиз маънавий-руҳий ҳаётидаги ўрни беқиёсдир. Мустақил ва оқод мамлакатимизда унинг беназир меросини авайлаб-асраш, қадрлаш ва жамиятнинг маънавий жиҳатдан барқамол фуқароларини тарбиялашда ундан оқилона фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Калом илмига асос солган мутафаккир бобокалонимиз нафқат ислом фалсафаси, маънавияти, балки ўз жўшқин фаолияти ва бебаҳо мероси билан жаҳон илҳоматини, умуминсоний маънавият ва кадрларни тараққиётга ҳам кучли таъсир ўтказган. Ул зоти олий Самарқанднинг шимолий-шарқий тарафдаги Мотурид қишлоғида таваллуд топган. Мақабда савод чиқариб, сўнгра Қўҳақдаги Работи Фозиён мазееси масжид-мадрасасида таҳсил қўрган. Биринчи устози Муҳаммад ибн Фазлдан ақоиди исломия, илоҳиётдан сабоқ олган. Кейинроқ калом илмининг улус пешволари қўлида таҳсил қўрган.

Муътабар манбаларда айтилишича, Работи Фозиён масжиди ёнидаги хонахоҳ меҳробига ҳазрати Хизр назаркарда қилганлар. Шу тўғрисида, Абу Мансур ал-Мотуридийга илми калом, дўсти Абулқосим Ҳаким ас-Самарқандийга илми ҳикмат башорат қилинган.

IX асрнинг иккинчи, X асрнинг биринчи ярми исломий фан ва маърифат-нинг шимолий-шарқий тарафдаги Мотурид қишлоғида таваллуд топган. Мақабда савод чиқариб, сўнгра Қўҳақдаги Работи Фозиён мазееси масжид-мадрасасида таҳсил қўрган. Биринчи устози Муҳаммад ибн Фазлдан ақоиди исломия, илоҳиётдан сабоқ олган. Кейинроқ калом илмининг улус пешволари қўлида таҳсил қўрган.

нинг гуллаб-яшнаган даври эди. Хуффикрилик асосида турли гуруҳлар, оқимлар пайдо бўлди. Турли фирқалар, ровиялар бир-бирига зид ҳар хил бидъатлардан аҳли сунна валжамоани, ақидани эътиқодни муҳофаза қилиш ва омон сақлаш мақсадида калом илми вужудга келди. Мотуридий жамиятда илдиз отаётган бошбодқоқлик, диний бузғунчиликни бартараф этиш мақсадида исломнинг буюк ҳимоятчиси сифатида майдонга чиқди. Улуғ ватандошимиз асос солган ровия «Мотуридия» деб аталади. Унинг илмий-маънавий меросида ислом дини ақидаларининг покчилигини ҳимоя қилиш ва турли диний оқимларга қарши кураш алоҳида ўрин тутди. Илми калом ақиди дивал ва исботларга таъинган ҳолда исломни ҳимоя қилиш, уни турли-туман нотўғри талқинлардан тозалаш таламдир.

Мотуридий динга онгли эътиқод қилиш зарур, дейди. У ислом динининг асосий тамойилларига мос ҳоллар диннинг мутаассиб-ларча талқин қилинишига, диндан бузғунчи қўчларни бирлаштиришда фойдаланиш каби интилушларга мўтлақо зид эканлигини таъкидлади. Алломанинг фикрича, инсон имтиҳон учун яратилган. Инсон эрки ўз қўлида, айни вақтда унга ушбу синовлардан муваффақиятни ўтиш ва тўғри йўлни танилаш имкониятлари ҳам бериб қўйилган. Бинобарин, инсон ҳар бир қадами, қилмиши ва жамиятда тинчлик-тотувликни, ҳамжихатликни сақлаш учун жавобгардир.

Улуғ алломанинг «Китоб-ул усул», «Тавилоту аҳлисунна», «Китоб тавилоту Куръон», «Китоб-ат тавҳид», «Китоб-ул жодал» каби ўндан ортик асарлари у зоти олийга катта шухрат келтирди. Уларнинг аксарияти дин тафтишчиларига раддия усулида ёзилган. Ал-Мотуридий маслакдоши Абулқосим Ҳаким ас-Самарқандий билан бирга исломга зид оқим вакиллари ва жамоалари билан юзма-юз баҳс-мунозараларда галаба қозонганида Самарқанд ва Бухоро халқи кўчаларга чиқиб, масжид ва мадрасаларни, жамоат бинараларини тўлдириб маънавий раҳнамоларини оқиллаштирди. Шунинг учун ҳам мотуридия оқимлари 1040 йилда мамлакат ҳукмдорлари томонидан аҳли сунна ва жамоа эътиқоди деб эълон қилинган. Алломанинг ўлмас китоблари ҳали олқишланган.

Шунинг учун ҳам мотуридия оқимлари 1040 йилда мамлакат ҳукмдорлари томонидан аҳли сунна ва жамоа эътиқоди деб эълон қилинган. Алломанинг ўлмас китоблари ҳали олқишланган. Шунинг учун ҳам мотуридия оқимлари 1040 йилда мамлакат ҳукмдорлари томонидан аҳли сунна ва жамоа эътиқоди деб эълон қилинган.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарига ёзди: «Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий ўз замонанинг аълам уламаси эрмиш. Ул вақт уламаси аларни «Султонул-муъизин» дер эмишлар. Зоҳир ва ботин улумлари билан ораста эрмишлар». Зеро, «Имом ул-тақаллим», «Имом ул-худо» фахрий унвонлари ал-Мотуридийнинг халқ ўртасида катта иззат-хурматга сазовор бўлганлигидан даллатлади.

Аллома камсўқум, ҳушқўл, ҳокисор инсон бўлган. Қамтарона умргузаронлик қилган. Қафтдеккина ховлида бог-бонлик қилиб тирикчилик ўтказган. Шогирдлари у муътабар инсондан шарқона одоб-

ахлоқ, тавозе, ҳалоллик, адолат, савоатпешалик, муомала маданияти, вазилқ махоратини урганганлар. Нақл қилишларича, Аббосийлар халифалиги даврида Бағдоддан Самарқандга бир элчи келди. Алломанинг таърифини эшитган элчи у киши билан шахсан учрашмоқчи бўлди. Сўраб-суриштириб манзилни топади. Отдан тушиб, дарвозани тақиллатди. Улуғ ва салобатли бир зотга рубару бўлишини ўйлаб, ҳаяжонланиб турганида ичкаридан юлғунга кийинган, озгин бир қария чиқиб келди.

— Мавлоно қайдалар? — деб сўради элчи. — Мавлоно Худодир, — деб жавоб беради мўйсифид. — Хожа қайдалар? — Хожа мустафодир. — Ҳўп, Абу Мансур қайдалар? — тохати тоқ бўлиб сўради элчи. — Абу Мансур қаршингиздаги тиланчи кексадир, — хотиржам жавоб беради соҳиб хонадон. Элчи ҳайратга тушиб, унинг пойига тиз чўкади. Бутун умри давомида азиз юртини тарк этмаган улуғ зот 944 йилда Самарқандда вафот этади. Уни ўз васиятига кўра Чокардиза қабристонига дафн этидилар. Бунга сабаб, Чокардизадан тўрт чакрим узоқликда Хўжа Абду Муҳаммад раиси мавжуд. Улуғ зотларнинг шафоати тўрт чакрим ергача етиб турар экан. Мотуридий ҳазратлари «Мен Хўжа Абду Дарун ёнида бўлишга лойиқ эмасман. У пайгамбар авлодидан», деб айтган экан.

Буюк ватандошимизнинг бебаҳо мероси, умрбоқий таълимоти бугун ҳам тинчликни, барқарорликни мустахкамлаш, муқаддас динимизни асраб-авайлаш, умумбаршарий тараққиёт учун хизмат қилмоқда.

Мирза Анавар ҚАРИМОВ,
тарих фанлари номзоди.

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

Аскарлик эр йиғит умрининг энг эсда қоларли дамларидан бўлса, қасамд қабул қилиш маросими ундан-да тотли туйғулари янада жўш урдирадиган тадбирлардан саналади. Айниқса, Ватанга садоқат, эл-юртга, ота-онага меҳр-муҳаббат туйғулари.

Офицер Ш. Чиналиев сардорлик қилаётган бўлишида бўлиб ўтган тантанали қасамд қабул қилиш маросимида қатнашар эканман, аввало, ана шу фирқалар ҳаёлимдан ўтди. Ватан олдидаги бурчини сиққидилдан адо этишга сўз бераётган ҳар бир йиғитнинг кўзида ўт чақнади, сўз Шунда халқимизнинг қўйидаги ҳикматини эсладим: «Арсон изидан, йиғит сўзидан қайтмайди». Демак, мамлакатимиз ҳавфсизлиги, осойишталиги ишончли қўлларда.

СУРАТЛАРДА: бўлимга офицери Турғун Ҳолиқов ёш аскарларнинг ота-оналари билан суҳбатлашмоқда; қасамд қабул қилаётган ўғлонлар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
олган суратлар.



ЭСДА ҚОЛАР ДАМЛАР



Тошкент Молия институти қошидаги РЕСПУБЛИКА МОЛИЯ ЛИЦЕЙИ 2000-2001 ўқув йили учун ўқувчилар қабул қилади.

Лицейга 8-синфни тамомлаган ўқувчилар қабул қилинади. Ўқув машғулотларини институтнинг малакали профессор-ўқитувчилари олиб борадилар. Лицейда математика, англис тили, она тили ва адабиёт, информатика фанлари чуқур ўргатилади ва ҳар бир синф иккига бўлиб ўқитилади. Шунингдек, лицейда иқтисодий фанлардан дастлабки билим кўникмалари берилади.

Лицейга кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Мақабда ўқиганлиги тўғрисида маълумотнома;
2. Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадан кўчирма;
3. Соғлиги тўғрисида маълумотнома (0.86-У шакл);
4. Яшаш жойидан маълумотнома;
5. 3x4 ўлчовли 4 донга сурат.

Ҳужжатлар 31 июлгача қабул қилинади.

Лицейга танлов математика, чет тили ҳамда она тили ва адабиёт фанларидан ўтказиладиган тест-синов натижалари бўйича амалга оширилади.

Лицейга марҳамат қилина!

Манзил: Х. Асомов кўчаси (эски Софийский прас.), 7-уй. Реабторат биноси, 3- қават, Республика Миллий банки ёнида. Автобуслар: 10, 85, 88. Семашко бекети. 9, 51, 67, 91, 115, трамвайлар: 2, 16, 22, 28, 29, Геологлар (ЎзБАТ) бекети. Телефон: 34-45-86, 34-90-32.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙўЛЛАНМА

Авал хабар қилганимиздек, шу йилнинг 13-17 июл кунлари Анталия шаҳрида ўзбек кураши бўйича II жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Яқинда Самарқандда ўтказилган республика биринчилигидан асосий мақсад мазкур чемпионатда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган полковларни аниқлаб олиш эди. Алл йигитларимиздан Баҳром Авазов, Махтумқули Махмудов, Эрали Махмарасуллов ана шундай шарафга муяссар бўлишди. Ҳозир улар республикада хизмат курсатган мураббийлар Эргаш Худоберов ва Омон Тоймуродовлар раҳбарлигида қизгин тайёрликни кўришмоқда. «Техасо» компанияси,



Ўзбек кураши

Ўзбекистон ҳаво йўллари Миллий авиаконкомпанияси. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси чемпионат мусобақаларига ҳоийлик қилиш ташаббуси билан чиқдилар.

Кеча пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида бўлиб ўтган саралаш турнирида ана шу спортчи аниқланди. Тошкентлик Марина Михеева барча рақибларининг курагини ерга теккизиб, жаҳон чемпионатига йўланмани қўлга киритди. Кейинги ўринларни Навоий вилоятидан Людмила Ко-

земьяника ва Альфия Ибраимова (Хоразм вилояти)лар эгаллашди. Шунингдек, саралаш турнирида Бухоро ва Сурхондарё вилоятидан келган барчичоки қизлар ҳам фаол иштирок этишди.

Озод БЕК,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

замонавий тўлов воситаси

СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Карточка эгаларига йилига 36% даромад тўланади. Бу фоизлар ҳар ойда ҳисобланиб, карточкангизга киритилиши ҳисобга олинса, Сиз қўйган маблағга қўшилиладиган даромад йилига 42,6% ни ташкил этади.

Ҳисоб варагингиз қаерда очилганидан қатъи назар, Сиз ўз сўм карточкангиз билан хоҳлаган пайтингизда бизнинг ҳар қандай муассасамиздан хоҳ банкومات, хоҳ касса орқали нақд пул олишингиз мумкин.

Сўм карточкаси ёрдамида супермаркетлар, дўконлар, ресторанилар, хизмат кўрсатиш корхоналари, уяли алоқа компанияларида товарлар ва хизматлар ҳақини тўлаш, шунингдек, авиа ва темир йўл кассаларидан чипталар сотиб олиш мумкин.

Сўм карточкаси эгаларининг ҳаёти ва саломатлиги бепул сугурта қилинади.

«Ўзмилийбанк» - катта даромад олишингиз ва пулларингизни бут сақлаш кафолати.



Сиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг истаган бўлим ёки филиалига мурожаат қилиб, сўм пластик карточкасига эга бўлишингиз мумкин. Маълумот учун телефон: (+99871) 137-62-80



Ўзбекистон Балий академиклари жамоаси академик, Ўзбекистон Балий академиясининг ҳақидий аъзои Тухтаев Азизматга онаси Зарифа Тўхтаеванинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор этади.

Ўрмон ҳўжалиги Бош бошқармаси раҳбарлиги, макрокотисодийет ва статистика вазирининг ўринбосари Асатулла Салимовга акаси Мирзамурод САЛИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдилади.

«Ўқурилик материаллари» акциядорлик компанияси бошқаруви ва ижроия аппарати Фарғона вилояти Кувабой шаҳридаги «Кувабойцемент» АЖ раҳбари Муҳсинжон Меҳмононга акаси Ҳўжабон МЕХМОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг онаси, қариндошлари ва жамо аъзоларига чуқур таъзия илҳор этади.

Ўрмон ҳўжалиги Бош бошқармаси раҳбарлиги Қўншоқ ва суз ҳўжалиги вазирининг кадрлар ва ўқу-юртлари бошқармасининг бошлиғи Ҳакимжон Ҳамидовга онаси Мелиҳон ая БОҚИЖОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдилади.

«Меҳнат» нашриёти жамоаси нашриёт ходими А. Ғофуровга волидиси МУҲТАБАР аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдилади.

Абдулла Қодирий номлиги Тошкент Давлат маданият институти жамоаси «Жаҳон тиллари ва адабиёти» кафедрасининг сойиб мудири, Ўзбекистонда хизмат курсатган фан арбоби, профессор Шайх РАҲИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг она аъзоларига чуқур таъзия илҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САҒАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОБЕРОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сўсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодийёт — 136-36-65;
132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89;
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 516, 22228 нускадан босилди, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган.

Қоғоз бичими А—2
Газета PENTUM-II компьютеризда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — Б. ОСТАНАҚУЛОВ.
Мусахҳиҳ — Ш. МАШРАБОВЕВ.

• МАНЗАЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зийд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 23.15
Топширилади — 23.15
1 2 3 4 5 6